

## **“Ўзагросуғурта” АЖ акциядорларининг диққатига!**

### **ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!**

2023 йилнинг 29 сентябрь куни соат 17.00 да “Ўзагросуғурта” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Бошқарувининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-мавзе, 61/2 уйда жойлашган маъмурий биносда ўтказилиши маълум қилинган эди. Йиғилишда зарур кворум бўлмаганлиги сабабли, йиғилиш жорий йилнинг 9 октябрь куни соат 17.00 да юқоридаги манзилда ўтказилиши белгиланганлиги маълум қиламиз.

#### **Кун тартиби:**

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг Регламентини тасдиқлаш.
3. “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.
4. “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидаларини қабул қилиш тўғрисида.
5. “Ўзагросуғурта” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисида низом”ни тасдиқлаш тўғрисида.
6. “Ўзагросуғурта” АЖ имтиёзли акциялари сонини кўпайтиришни эълон қилиш тўғрисида.
7. “Ўзагросуғурта” АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун 2023 йилнинг 7 сентябрь куни ҳолатига, йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш учун 2023 йилнинг 26 сентябрь куни ҳолатига акциядорлар реестри шакллантирилади. Йиғилишга иштирокчилар видеоконференц алоқа орқали жалб қилиниши мумкин.

Акциядорлар йиғилишга оид ахборот (материаллар) билан "Ўзагросуғурта" АЖ Бошқарувининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-мавзе, 61/2 уйда жойлашган маъмурий биносда танишишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: +998-71-216-57-69

“Ўзагросуғурта” АЖ Кузатув кенгаши.